# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 26 июнь, № 134 (7914) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ УЧУН ЯНГИ ҚИРРАЛАРНИ, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ТОПИШИМИЗ ЗАРУР

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, корхоналар фаолияти билан танишди.**



Пойтахтимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликларнинг олдини олиш, пиёдалар учун қулайлик яратиш мақсадида кўплаб кўприк ва йўлўтказгичлар бунёд этилмоқда.

Бундан бир йил олдин давлатимиз раҳбари Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳаси билан танишган эди. Ўтган йили 26 декабрь куни ушбу йўлнинг муҳим қисми бўлган Қипчоқ кўчасидаги кўприк очилди. Бугунги кунда ушбу кўприкдан Чўпонота кўчасигача янги йўл ва йўлўтказгичлар барпо этилмоқда.

Кичик ҳалқа йўли ва Салар канали устида қурилаётган кўприкнинг узунлиги 788 метр, чиқиш-тушиш қисми билан ҳисоблаганда 950 метр бўлади.

Давлатимиз раҳбари дастлаб ушбу кўприкни бориб кўрди.

Ўзига хос муҳандислик ечимига эга бу иншоот монолит услубида, бетон аралашмаси ичидаги темир тўқималарни таранг тортиш технологияси асосида бунёд этилмоқда. Бу хавфсиз бўлиши билан бирга қуриш учун жуда қулай. Хусусан, бу ердаги ишлар ҳам Кичик ҳалқа йўли ва темир йўлдаги қатновни тўхтатмаган ҳолда давом эттирилмоқда.

**— Бу арзон, мустаҳкам, халқимизга ҳам маъқул технология. Келажакни ҳисобга олиб, ҳали кўп жойда кўприклар қурамиз. Шунинг учун мутахассислар ва талабаларни бу ерга олиб келиб, жараённи кўрсатиш, замонавий технологияларни ўргатиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Ушбу кўприкдан Қипчоқ кўчасигача 6 километр йўл қурилмоқда. Тошкент ҳалқа автомобиль йўли билан кесишган жойда туннель бўлади. Шу тариқа пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Чўпонота кўчаси ва Сергели туманидаги Қипчоқ кўчаси самарали боғланади.

Ҳозирги кунда Сергели туманидан шаҳар марказига келиб-кетадиган автомобиллар, асосан, битта йўл — Янги Сергели кўчаси орқали ҳаракатланмоқда. Шу боис унда қатнов жуда кўп, тирбандлик катта.

6 қаторли янги кўприк ва йўл соатига 12 мингтагача автотранспортни ўтказиш қувватига эга бўлади. Натижада Сергели туманига транспорт қатнови тирбандлиги 50 фоизга, ҳаракат вақти 20 — 25 дақиқага камаяди.

Йўл бўйларига энергия тежамкор ёритқичлар ўрнатилади. Бўш майдонларда “яшил ҳудудлар” барпо этилиб, пиёдалар йўлаги ва велойўлакчалар ташкил этилади.

Шу ерда Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Янги Ўзбекистон кўчасида йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси тақдимоти ўтказилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманидаги “Dentafill Plyus” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Халқимизнинг саломатлигини асраш, тиббиёт соҳасини ривожлантиришга кўрсатилаётган алоҳида эътибор самарасида фармацевтика саноати ҳам жадал ривожланиб, ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситаларининг тури ҳамда сифати тобора ортиб бораётир.

“Dentafill Plyus” мамлакатимиздаги дори воситалари ва тиббий анжомлар ишлаб чиқараётган етакчи фармацевтик корхоналардан бири.

Бу корхона 2019 йилда ишга туширилган. Швейцария, Германия, Туркия, Хитой, Япония, Малайзия ва Жанубий Кореядан энг замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Бугун бу ерда 20 дан ортиқ фармакологик гуруҳга мансуб 172 дан зиёд дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Йиллик қувват 60 миллион дона.

Президент корхонада ишлаб чиқарилган дори воситаларини кўздан кечирди.

**— Фармацевтика бўйича катта имкониятларимиз бўла туриб, бундан фойдаланилмас эди. Ҳозиргача катта харажатлар эвазига четдан дори-дармон олиб келиняпти. Шунинг учун биз заминни мустаҳкам қиляпмиз. Аввало, кадрлар тайёрлаш, инновацияларни жорий қилиш, илмни ривожлантиришга эътибор қаратяпмиз. Энди ишлаб чиқариш ҳам сифатли бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.**

Бу корхонага Тошкент фармацевтика институти талабаларини жалб этиб, назарияни амалиёт билан мутаносиб олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Корхонада Европанинг етакчи компаниялари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳамда Полимерлар кимёси ва физикаси институти билан муваффақиятли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу маҳсулотларнинг турини кўпайтириш ва сифатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ҳозирда “Dentafill Plyus” корхонасининг юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган цехларида таблеткалар, капсулалар, гален препаратлар, инъекцион ва инфузион эритмалар шаклидаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, қуруқ ҳолатдаги антибиотиклар, суртмалар, суппозиторийлар, сироплар, суспензиялар, суюқ дорилар, тиш пастаси ва тиббий буюмлар, қўлқоплар тайёрланади.

Масъулияти чекланган жамиятда маҳаллийлаштириш даражаси 65 фоизга етган. Швейцариянинг BFS технологияси асосида инъекцион препаратларни полимер ампулаларда ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Латекс хом ашёсидан жарроҳлик қўлқопларини ишлаб чиқариш технологияси ҳам ўзлаштирилди. Корхонада 360 киши иш билан таъминланган.

Йилига 25 миллион дона дори воситалари Кувайт, Россия, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Ҳозир дунёда табиий гиёҳлардан тайёрланган дориларга талаб ортмоқда. Корхонада юртимизда ўсадиган доривор ўсимликларни экстракция қилиш, улардан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш устида ҳам изланишлар олиб борилмоқда.

Президентимизга Тошкент вилоятининг Зангиота туманида “Tashkent Pharma Park” инновацион фармацевтика кластери қурилишининг бориши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари журналистлар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманидаги Саховат маҳалласи ҳаёти билан танишди.

Маҳалла ҳудуди 18 гектар бўлиб, 2016 йилда ташкил этилган. 41 та кўп қаватли уйда 6 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Бу ерда битта мактаб ва иккита мактабгача таълим муассасаси бор.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жараёнларига қўшаётган катта ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги муносиб хизматлари, замонавий журналистика тизимлари учун юксак малакали профессионал кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони билан

**Мелибоев Ахмаджон** — «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

**Қирғизбоев Муқимжон** — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан

**Олимов Султонмурод Ҳошимович** — «Тафаккур» журнали бўлим мудири

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдугаппарова Умида Муратовна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Болтабоева Ўғилхон Набижановна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston 24» телеканалининг Наманган вилояти бўйича мухбири

**Джураев Равшанхон Эргашович** — «UzReport» ахборот агентлиги бош директори

**Ёдгоров Эркин Хусенович** — «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари бўлим муҳаррири, Бухоро вилояти

**Жумақулов Абдирасул Пардаевич** — «Ҳуррият» мустақил газетаси бош муҳаррири

**Михайлов Виктор Владимирович** — «Nuz.uz» веб-сайти бош муҳаррири

**Убайдуллаев Шараф Ортикович** — «Нуроний» жамғармасининг Республика бошқаруви раиси ўринбосари

**Усманова Гулчехра** — Иштихон тумани «Иштихон овози» газетаси муҳаррири, Самарқанд вилояти

**Усманова Фарида** — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Шерназаров Ахмадали Мустафақулович** — «Халқ сўзи» газетасининг Сирдарё вилояти бўйича мухбири

### «Дўстлик» ордени билан

**Абибуллаев Дауит Есемуратович** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича шарҳловчиси

**Бабаев Анвар Машрабович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг нашрлар бўлими бошлиғи

**Ежков Сергей Александрович** — «Uzmetronom.com» веб-сайти бош муҳаррири

**Илясов Анвар Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг «Дунё» ахборот агентлиги фотомухбири

**Кодиров Солижон Мелибоевич** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телеканалининг бадиий дам олиш кўрсатувлар бўлими режиссёри

**Непомнящая Ольга Ивановна** — Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг бўлим бош муҳаррири

**Обидов Муҳаммад Далимович** — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раиси

**Рахметов Махамет** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг бўлим муҳаррири

**Тохиров Мамасодик Боборозикович** — Сўх тумани «Садои Сўх» газетаси бош муҳаррири, Фарғона вилояти

**Хамраев Ислом Хамзаевич** — «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири

**Шамсиев Гайрат Абдусаттарович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Республика телерадиомаркази» давлат унитар корхонасининг Тошкент телемаркази бош муҳандиси

**Шерматов Талибжон Таштемирович** — Хўжаобод тумани «Ҳақиқат» газетаси муҳаррири, Андижон вилояти

**Якубжанова Мукаддас Сидиковна** — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи машинисти

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## 2021 ЙИЛДА ТОКИО ШАҲРИДА (ЯПОНИЯ) БЎЛИБ ЎТАДИГАН XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ВА XVI ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ОЛИМПИЯ СПОРТ ТУРЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жорий йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг ҳар томонлама тайёргарлиги ва муваффақиятли иштирокини таъминлаш, уларда олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчиларни моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мамлакатимизда Олимпия ва Паралимпия ҳаракатларини янада ривожлантириш мақсадида:

1. **2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида** (кейинги ўринларда — Олимпия ва Паралимпия ўйинлари) **иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси таркиби** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Шаабдурахманов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) зиммасига қуйидаги вазифаларни бажариш юклансин:

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензияни қўлга киритган спортчилар учун **ўқув-машғулот йиғинларининг якуний босқичини самарали ва сифатли ташкил этиш**;

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

**Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.**

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мазкур ялпи мажлис иши Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда “UzReport” телеканали орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида Наманган вилоятидан сенатор Анна Добрих томонидан тўқимачилик саноатида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар фаолиятида маҳсулотларни сертификация қилишда қатор муаммолар туғдирган Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши лозим бўлган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижроси кўтарилган эди.

Ушбу масала Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан ўрганилди. Мажлисда мазкур ўрганиш натижалари ҳақида қўмита раиси Э. Гадоев маълумот берди.

Ўрганиш натижасига кўра, асосий муаммо ишлаб чиқариш учун зарур ҳисобланган маҳсулотлар (мато, ип-газлама, фурнитура ва бошқа хом ашёлар)нинг республикага кириб келишида, божхона расмийлаштирув жараёнида, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 январдаги қарорига мувофиқ божхона брокерлари томонидан мувофиқлик сертификатлари тақдим этилиши талаб қилинаётганлиги маълум бўлди.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Рахмонкулов Улуғбек Акмалович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston 24» телеканалининг «Таҳлилнома» ахборот-таҳлилий дастурлар бўлими бош муҳаррири

**Умаров Жаҳонгир Тулкунович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа-марказининг тасвирга олиш гуруҳи бош мутахассиси

**Ўрозов Абдували Пўлатович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston 24» телеканалининг Президент «POOL» хизмати бош муҳаррири ўринбосари

**Холиқов Элбек Мустафоевич** — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги маркази йиғма ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи

**Чориев Шунқор Буриевич** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston 24» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси директори ўринбосари

**Юлдашов Галавиддин** — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлими раиси

### «Соғлом турмуш» медали билан

**Азимов Анвар Хабибуллаевич** — «Менинг юртим» телеканали лойиҳа бошловчиси

**Николенко Лилия Владимировна** — «Potrebitel.uz» веб-сайти администратори, блогер

**Санаев Фурқат Чориевич** — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи

**Ташматова Тамара Шералиевна** — «Фарғона ҳақиқати» — «Ферганская правда» газеталари бирлашган таҳририятининг бош муҳаррири ўринбосари, Фарғона вилояти

### «Келажак бунёдкори» медали билан

**Алимова Сабина Туйгуновна** — «Правда Востока» газетаси мухбири

**Исожонов Миролим Хайрилло ўғли** — «Daryo.uz» интернет нашри мухбири

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдурахманов Хайрулло Файзуллаевич** — «Маҳалла» газетаси махсус мухбири

**Акбаров Косимжон Тургунович** — Мингбулоқ тумани «Мингбулоқ» газетаси муҳаррири, Наманган вилояти

**Аскаров Нуриддин Мухамаджонович** — «Рухсор телерадиоканали» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Фарғона вилояти

**Ачилова Садоқат Садуллаевна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston 24» телеканалининг халқаро мухбирлар тармоғи муҳаррири

**Бозоров Бахшилло Муҳамадович** — «Istiqlol-TV» телерадиокомпанияси директори, Бухоро вилояти

**Давирова Гулбахор Кучкаровна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» радиоканалининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти бош муҳаррири

**Дурдиева Гулчехра Саттаровна** — «Янги Ўзбекистон» газетасининг Тошкент вилояти бўйича мухбири

**Жалилов Сухробжон Ёқуб ўғли** — Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг бўлим видео монтажчиси

**Заитова Наргиза Сабировна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг қўлёзмалар, ноёб ва алоҳида қийматга эга нашрлар хизмати раҳбари

**Каллиханова Лолагул Оразгалиевна** — «Makan.uz» веб-сайти бош муҳаррири

**Кулмуродов Анвар Ботирович** — «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари

**Қосимов Зафаржон Олимжонович** — «Xabar.uz» ахборот-таҳлилий портали мухбири

**Қосимова Сарвара Жўраевна** — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси мухбири

**Маматов Рустам Урокбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа-марказининг ахборот тайёрлаш гуруҳи етакчи мутахассиси

**Манзурова Нодира Абдулхаевна** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Фотоахборот таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

**Машарипов Шержан** — «Хива тонги» газетаси муҳаррири, Хоразм вилояти

**Менгзияева Райхон Янгибоевна** — Қумқўрғон тумани «Қумқўрғон садоси» газетаси бош муҳаррири, Сурхондарё вилояти

**Назиров Дилшодбек Бохадирович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston 24» телеканалининг студия бош муҳаррири

**Насимов Бахтиер Азимович** — Тошкент шаҳри «Coscom» масъулияти чекланган жамиятининг жамоатчилик билан алоқалар бошқармаси бошлиғи, блогер

**Пулатова Шохиста Анваровна** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг қолиплар тайёрлаш цехи монтажчиси

**Соболева Екатерина Насреддиновна** — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг лойиҳа мувофиқлаштирувчиси

**Сувонов Нодир Абдиравубович** — Тошкент шаҳри «Адабиёт нашриёти» масъулияти чекланган жамияти директори

**Султанова Феруза Хикматуллаевна** — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйининг муқовалаш цехи чоп этувчиси

**Тешаев Андрей Вячеславович** — «Podrobno.uz» янгиликлар агентлиги бош муҳаррири

**Утемуратов Фурхат Юсупович** — Хўжайли тумани «Хўжайли ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хошимова Юлдуз Уткуровна** — «Миллий» телеканалининг ижтимоий-маърифий бўлими бошлиғи

**Ҳусанов Жасур Рухиддинович** — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

**Шарапова Ирисгул Боранбаевна** — «Қорақалпоғистон» радиоканалининг «Хабар» ахборот-таҳлилий дастурлари бош муҳарририяти бўлим мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Эргашев Набижон Мажид ўғли** — «Жиззах» нодавлат телеканали бош муҳаррири, Жиззах вилояти

**Эшбоев Темир Абдирасулович** — «Халқ сўзи» газетасининг Навоий вилояти бўйича мухбири

**Юсупова Феруза Артиковна** — «Телерадиокомпания Zo'r» масъулияти чекланган жамиятининг «Zo'r TV» телеканали муҳаррири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 25 июнь

## ҚУТЛАЙМИЗ!



*Президентимиз Фармонига асосан таҳририятимизнинг Сирдарё вилояти бўйича мухбири Аҳмадали Шерназаров "Меҳнат шуҳрати" ордени ва Навоий вилояти бўйича мухбири Темир Эшбоев "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.*

*"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти жамоаси уларни ушбу юксак мукофот билан қутлайди ҳамда келгуси ижодий фаолиятида янада улкан муваффақиятлар тилайди.*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# 2021 ЙИЛДА ТОКИО ШАҲРИДА (ЯПОНИЯ) БЎЛИБ ЎТАДИГАН XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ВА XVI ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ОЛИМПИЯ СПОРТ ТУРЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг иштирок этиши учун уларни **спорт анжомлари** (шу жумладан, махсус спорт анжомлари), **расмий либос ва спорт экипировкаси** билан таъминлаш;

Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг иштирокини таъминлаш учун уларни **кузатиш, жойлаштириш, тантанали равишда кутиб олиш тадбирларини ташкиллаштириш**.

3. **Ўзбекистон спорт делегациясининг 2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган ёзги XXXII Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши ва иштирок этиши харажатлари сметаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки:

**2021 йил 24 июнь ҳолатига** Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи жами **101 та лицензия қўлга киритилган**;

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари бошлангунга қадар **олимпия** спорт турлари бўйича **қўшимча квоталар** ажратиш, **паралимпия** спорт турлари (парадзюдо, парапауэрлифтинг, парасузиш, параакадемик эшкак эшиш ва бошқалар) бўйича **қўшимча 17 та лицензияни** қўлга киритиш кутилмоқда.

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини сифатли тайёрлашни ташкил этиш бўйича Республика комиссияси (А.Арипов)га Олимпия ва Паралимпия ўйинлари бошлангунга қадар уларда қатнашиш ҳуқуқини берувчи қўшимча лицензиялар сонидан келиб чиқиб мазкур қарор билан тасдиқланаётган 1 ва 2-иловаларга тегишли равишда комиссия баёни билан **ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин**.

Республика комиссияси Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қилиш ва иштирок этишнинг аниқ миқдорини белгиласин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари қуйидаги миқдорда **бир марталик пул мукофоти** билан рағбатлантирилади:

**олтин** медаль учун — **200 000 АҚШ** доллари;

**кумуш** медаль учун — **100 000 АҚШ** доллари;

**бронза** медаль учун — **50 000 АҚШ** доллари;

б) мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Миллий антидопинг агентлиги (Н.Турсунов) Олимпия ва Паралимпия ўйинларида:

спортчилар томонидан **антидопинг қоидаларига қатъий риоя қилиниши** устидан самарали антидопинг назоратини амалга оширсин;

Ўзбекистон спорт делегациясини **антидопинг мавзуларига оид тегишли ўқув-ахборот материаллари** ва турли кўргазмали маълумотлар билан таъминласин.

7. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов) Ўзбекистон спорт делегациясининг **Нарита халқаро аэропортида иммиграция** назоратидан ўтишига кўмаклашсин.

8. Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов):

Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиши учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш **биометрик паспорти** ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминласин;

кузатиш ва кутиб олиш тадбирларида **хавфсизликни таъминлаш** ва жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, Ўзбекистон спорт делегацияси транспорт воситаларининг Тошкент шаҳар ҳудудида кузатувини ташкил этиш бўйича зарур ташкилий чораларни кўрсин.

9. Транспорт вазирлиги (И.Махкамов):

Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси талабномаларига асосан жорий йилнинг **июль — сентябрь ойларида Токио шаҳрига рейслар ташкил этилиши**, шунингдек, Ўзбекистон спорт делегацияси учун авиачипталар бронь қилинишини;

**Тошкент — Токио — Тошкент йўналиши бўйича чартер рейс**лари ташкил этилиши ва амалга оширилишини;

Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларига тегишли бўлган спорт анжомлари ва жиҳозларининг Ислом Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропорти **орқали бепул ўтказилишини**;

Ислом Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропортининг умумий **залида "яшил йўлак" ташкил қилиш** ва мазкур йўлак орқали Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини кузатишни таъминласин.

10. Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов) Ўзбекистон спорт делегацияси ва уларнинг қўл юклари (спорт овқатлари, спорт анжомлари, жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар ва препаратлар ҳамда бошқалар) божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш ишлари тезкорлик билан амалга оширилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Шаабдурахманов) ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) "Дори-Дармон" АК (У.Салихбаева), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) билан биргаликда Ўзбекистон спорт делегациясини зарур бўлган жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар ва препаратлар билан таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) спортчиларнинг Олимпиада олди ўқув-машғулот йиғинлари, Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштироки тўғрисида қисқа метражли видеороликлар ҳамда махсус кўрсатувлар тайёрланишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Шаабдурахманов) ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) билан биргаликда беш кун муддатда Олимпия ва Паралимпия ўйинлари давомида ташкилий ишларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида **миллий штабларни ташкил этсин** ва фаолиятини йўлга қўйсин.

14. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасига Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш учун спорт анжомлари, жиҳозлар, ускуналар, делегация расмий либослари, спорт кийимлари (экипировкаси), спорт тиббиёти жиҳозлари, тиббий-биологик препаратлар харид қилиш бўйича хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан шартномаларни, шунингдек, ўқув-машғулот йиғинлари бўлиб ўтадиган спорт базалари, ётоқхона, спорт заллари ва спорт жиҳозлари ижаралари тўғрисида ҳамда овқатланишни ташкил қилиш юзасидан шартномаларни, истисно тариқасида, давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида тегишли эълон жойлаштирмасдан ва электрон савдоларсиз, тендерсиз, тўғридан-тўғри расмийлаштириш ва тўловларни амалга оширишга рухсат берилсин.

15. Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.Абдухакимов Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳамда спорт федерациялари (ассоциациялари)ни жалб этган ҳолда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини киритсин:

**а) бир ой муддат**да — **олимпия захиралари коллежлари фаолиятини** тубдан такомиллаштириш, бу борада коллежлардаги спорт таълим йўналишларининг олимпия спорт турлари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, ҳудудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)нинг янги тизимини жорий қилиш, тренер ва мутахассисларни моддий рағбатлантириш тизимини яхшилаш бўйича;

**б) 2021 йил 1 декабрга қадар**:

**жамоавий спорт турлари** (баскетбол, гандбол, чим устида хоккей, волейбол ва бошқалар)ни ривожлантириш ва оммалаштириш, бу борада иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) тизимини жорий қилиш, туман (шаҳар), вилоят, республика ва халқаро мусобақалар ва турнирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, тренер ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича;

**сув спорти турлари** (сув полоси, сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш ва бошқалар)ни ривожлантириш, сув спорти саройларини барпо этиш, хусусий сув спорти мактабларини ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири **А.А.Абдухакимов**, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси **Р.М.Шаабдурахманов** ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси **М.М.Ташходжаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 25 июнь

# ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ УЧУН ЯНГИ ҚИРРАЛАРНИ, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ТОПИШИМИЗ ЗАРУР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Илгари бу маҳалла эътибордан четда қолган эди. Жорий йилда "Обод маҳалла" дастури доирасида ҳудуд тўлиқ ободонлаштирилиб, янгидан чирой очди. Маҳалла гузари, Саховат боғи, савдо дўконлари барпо этилди. Йўлаклар тартибга келтирилиб, болалар ўйингоҳлари, автотураргоҳ ташкил қилинди.

Президентимиз ушбу бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Маҳалладаги ижтимоий муаммолар манзилли ҳал этилмоқда. Масалан, тураржойга муҳтожларга уй ва субсидиялар берилди. Ишсиз аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида қиймати 5 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Хусусан, мебелсозлик мажмуасини ишга тушириш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари маҳалла дўконини ҳам кириб кўрди.

Маҳалла аҳли билан суҳбатда бугунги ўзгаришлар, тинчлик-осойишталикнинг қадри ҳақида мулоқот бўлди.

**— Сергелида кўплаб уй-жойлар қурдик, янги-янги корхоналар кириб келаяпти. Бу ўзгаришлар одамлар ҳаётида сезилиши муҳим. Энди тумандаги ҳар бир маҳалла шундай обод бўлиши керак. Аҳоли бу ерда сайр қилиб, пиёда юриб, соғлиғини мустаҳкамлаб, ҳаётдан рози бўлиб яшаса, мақсадимиз шу. Сизларнинг бахтингиз — менинг бахтим, — деди Президент.**

Жорий йилда "Обод маҳалла" дастурига кўра Тошкент шаҳрига 1 триллион 300 миллиард сўм ажратилган. Бунинг эвазига маҳаллаларда 937 километр ичимлик ва оқова сув, газ, электр тармоқлари, 545 километр ички йўлларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 31 май куни Чирчиқ дарёси бўйини ободонлаштиришга оид лойиҳа тақдимоти билан танишган эди.

Дарёнинг Тошкент шаҳридан ўтган қисми 16 километрни ташкил этади. Ушбу масофада ўзанни қисқартириб, турли инфратузилма объектлари барпо этиш режалаштирилган. Биринчи босқичда Оҳангарон ва Бектемир кўчалари оралиғидаги 5 километр тартибга келтирилмоқда.

Президент бу ердаги қурилиш жараёнини кўздан кечирди.

Бу қисмдаги ишлар 2021-2022 йилларда амалга оширилади. Натижада 34 гектардан зиёд майдон ҳосил бўлади.

Лойиҳа тўрт босқичдан иборат. Иккинчи босқичда яна 5 километр, учинчиси ва тўртинчи босқичларда 3 километрдан дарё ўзани тартибга келтирилади.

Умуман, бу ишлар натижасида 210 гектар қўшимча ер очилади. Бу ҳудуд кўкаламзорлаштирилиб, дам олиш масканлари, сайр йўлаклари ва маҳаллий автомобиль йўллари барпо этилади. Шунингдек, замонавий уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу ҳудуд шаҳар экологияси учун муҳимлигини таъкидлаб, кўпроқ дарахтлар экиш, аҳоли учун рекреацион жойларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳри ва туманлари ҳокимлари, сектор раҳбарлари, маҳалла раислари билан йиғилиш бўлди.

Ажратилган маблағларни тўғри йўналтириб, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш чоралари белгиланди. Маҳаллаларда хизмат кўрсатиш объектларини ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган 5 минг 400 та кичик лойиҳани амалга ошириш орқали 181 мингта янги иш ўрни яратиш имкони борлиги таъкидланди.

Йиғилишда ижтимоий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг ўтган даврида "ёшлар дафтари"га киритилган 24 минг нафар ёшдан 19,5 минг нафарининг бандлиги таъминланган. Пойтахтда "аёллар дафтари"га киритилган 16 минг нафардан зиёд хотин-қизларнинг барчасига амалий ёрдам берилган.

Давлатимиз раҳбари нуронийлар ва фаолларнинг таклифлари асосида маҳаллаларни ободонлаштириш, йўл ва сув тармоқларини таъмирлаш, тиббий хизматларни яхшилаш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Ёшларни касбга йўналтириш, спорт мусобақалари ва тўгаракларга жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

**— Бу йил жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаймиз. Бу байрамни кўтаринки руҳ билан, улкан натижалар билан кутиб олишимиз керак. Халқимизни рози қилиш учун янги қирраларни, янги имкониятларни топишимиз зарур, — деди Президент.**

**А.МУСАЕВ,**
**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**М.ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ





1

Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчилар ҳамда аҳолини қийнаб келаётган бошқа тизимли муаммолар ҳам аниқланган. Хусусан, юридик ва жисмоний шахслар қайта ишлаш бўйича хом ашё ҳамда хавфсизлик даражаси юқори бўлмаган гуманитар ёрдам ва техник кўмак маҳсулотларини импорт қилганларида ҳам мувофиқлик сертификатлари талаб этилмоқда.

Бу ҳолатлар эса корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнларига салбий таъсир ўтказиб, қўшимча маблағлар сарфланишига, чет эллик харидорлар олдидаги мажбуриятлар ўз муддатида бажарилмаётганлигига ҳамда тадбиркорлар норозилигига сабаб бўлмоқда.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган маҳсулотларга мувофиқликни баҳолаш талаб этилмаслиги, балки маҳсулотлар ички бозорга муомалага чиқарилаётган пайтда зарурлиги маълум бўлган.

Шу муносабат билан ҳамда тадбиркорлик фаолияти ривожига халал бераётган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган, шунингдек, қайта ишлаш (толлинг) ҳамда гуманитар ёрдам ва техник кўмак мақсадида импорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан мувофиқлик сертификатини олишни татбиқ этмаслик таклифи киритилган.

Сенатнинг қўмита раиси Э. Гадоев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги "Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонига асосан маҳсулотлар импортида соддалаштирилган божхона расмийлаштирувини жорий қилиш ҳамда 2021 йилда сифат миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси"да қатор вазифалар белгиланганлиги боис юқоридаги муаммолар ҳал этилишини таъкидлади.

Сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг давлат органларида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ҳаракатлар стратегиясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналиши этиб белгиланди.

Қисқа давр мобайнида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди ва кўплаб ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, Ҳукумат портали доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотдан эркин ва бепул фойдаланиш имконини берувчи Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали фаолияти йўлга қўйилди. Қолаверса, "Менинг фикрим", "Очиқ бюджет", "Давлат харидлари", "Шаффоф қурилиш" порталлари каби ўнлаб электрон платформалар ишга туширилди. Барча даражадаги давлат ва жамоат ташкилотларининг доимий янгиланиб турадиган расмий веб-сайтлари яратилди.

Мажлисда сенаторлар томонидан мамлакатимиздаги ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини халқимизга тўғри ва тўлиқ тушунтириш, миллий ахборот маконини холис ва асосли маълумотлар билан тўйинтириш зарурати ахборот сиёсати ҳамда очиқликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, тизимли назорат, жумладан, парламент назорати муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Қолаверса, мазкур қўмитанинг вазифаларига эътибор қаратилди.

Қўмита давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириб боради ва бу борада доимий назоратни амалга оширади.

Мажлисда сенатор Фарҳод Эсанович Боқиев мазкур қўмита раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда маҳаллалардаги ҳолат, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Президентимиз томонидан илгари сурилган маҳаллабай ва фуқаробай иш услублари айни дамда аҳоли мурожаатлари ва жамиятдаги кўплаб муаммоларни бартараф этишда ўз самарасини кўрсатмоқда. Жойлардаги муаммоларни маҳаллабай аниқлаш ва бартараф этиш, хусусан, ҳудудларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда қарорлар қабул қилиш ва ижро этишнинг барча соҳасида ҳамда даражаларида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенглик тамойилини татбиқ этиш, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда гендер тенглик тарғиб қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди.

Яна бир жиҳат. Ўтган давр мобайнида меҳнат органлари томонидан 308,8 минг нафар аёлга бандлик ва меҳнат соҳасидаги хизматлар кўрсатилди. Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларини самарали амалга ошириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ажратиш тизими такомиллаштирилди.

Мажлисда Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси раиси Қ. Рафиқовнинг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг январь — май ойларида "аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлардан 430 275 нафарига (99,4 фоиз) амалий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, 251 363 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизнинг доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашилди.

Тадбиркорлик қилиш истагини билдирган 66 660 нафар хотин-қизнинг тадбиркорлик кўникмалари оширилди ва уларга 830 миллиард 37 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Нотуражойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида тураржой мавжуд бўлмаган хотин-қизлардан 4 065 нафарига 8 миллиард 635 миллион сўмлик ижара компенсацияси тўлаб берилди, 4 769 нафари имтиёзли арзон уй-жойлар билан таъминланди.

"Аёллар дафтари" жамғармаси, "Саховат ва кўмак" жамғармаси, шунингдек, ҳомийлик ва бошқа манбалар ҳисобидан 36 697 нафар боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизга 27 миллиард 572 миллион сўм, 29 040 нафар ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парваришига муҳтож хотин-қизга 21 миллиард 58 миллион сўм, 8 103 нафар қарамоғида ногиронлиги бўлган боласи мавжуд ёлғиз аёлга 6 миллиард 959 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Онкологик касалликларни камайтириш мақсадида 300 893 нафар хотин-қизда одам папилломаси вирусига қарши эмлаш ишлари олиб борилди. Туғиш ёшидаги 4 миллион 13 минг нафар аёл чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Қолаверса, "аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар учун "Аёли эъзозланган юрт" шиори остида мамлакатимиз бўйлаб саёҳатлар ташкил этиш йўлга қўйилди.

"Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларга кўрсатилган тегишли амалий ёрдамлар ва уларнинг муаммоларини ҳал қилиш натижасида бугунги кунга қадар 357 998 нафар хотин-қиз халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг сессиялари қарорлари асосида "аёллар дафтари" рўйхатидан чиқарилди.

Мажлисда амалга оширилган ишлар билан бирга, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш бўйича йўл қўйилган айрим камчиликлар танқидий муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига барча ҳудудда ҳам бирдек масъулият билан ёндашилмаяпти. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишда сусткашликка йўл қўйиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бу борада вазирлик ва идораларнинг вертикал тизими самарали ишлаши, ўзаро мутасадди идора, ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш таъкидланди.

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлар "темир дафтар", "ёшлар дафтари", "аёллар дафтари" билан ишлаш борасида камчиликларга йўл қўйилганлиги қайд этилди.

Қолаверса, яратилган имкониятлар ва имтиёзлардан аҳолининг, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами, шу жумладан, хотин-қизлар хабардорлиги етарли даражада эмаслиги, ушбу йўналишдаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги белгиланди.

Сенаторлар томонидан жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, оила муносабатларини яхшилашга қаратилган тадбирларни янада кучайтириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда Сенат аъзолари Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка, Зангиота, Юқори Чирчиқ, Қибрай, Паркент, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл туманлари ва Олмалиқ, Чирчиқ, Ангрен, Янгийўл, Бекобод шаҳарлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Тошкент вилоятининг бир қанча туман ва шаҳарлари, жумладан, вилоятнинг Ангрен ва Бекобод шаҳарлари ҳамда Қибрай ва Пискент туманлари бошқа туман ва шаҳарларда жойлашган "анклав" ҳудудларга эга. Бу ҳолатлар жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг самарали ташкил этилиши, аҳолининг ижтимоий таъминоти ва давлат органлари билан ўзаро муносабатларини амалга ошириши, вояга етмаганларнинг таълим жараёнини назорат қилиш ҳамда уларни туман (шаҳар) даражасидаги оммавий тадбирларга жалб қилиш ва бошқа жараёнларда муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Биргина мисол, Бекобод туманида жойлашган Истиқбол маҳалласи фуқаролари, Бекобод шаҳар Янги ҳаёт маҳалла ҳудудида жойлашган мактабда таълим олишади, даволаниш учун Бекобод шаҳрида жойлашган марказий шифохонага боришади, шунингдек, барча коммунал йўналишдаги хизматларни шаҳар ташкилотлари кўрсатади.

Бундан ташқари, Ангрен шаҳридаги "Красногорск" қўрғонида фуқароларига коммунал хизмат кўрсатиш, хусусан, электр таъминоти, ичимлик суви, газ таъминоти ҳамда банк хизматлари Паркент тумани томонидан амалга оширилади. "Красногорск" қўрғони фуқаролари даволаниш учун ҳам Паркент туманида жойлашган марказий шифохонага қатнайди.

Бу эса ушбу ҳудудлар аҳолиси ҳаётида турли қийинчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан Тошкент вилоятининг юқорида қайд этилган туман ва шаҳарлари чегараларини ўзгартириш таклифи илгари сурилмоқда. Жами ўзгартирилаётган туман ва шаҳарлар чегараларининг ер майдони 17 359,1 гектар бўлиб, шундан 10 084,8 гектари қишлоқ хўжалиги ерларидир.

Натижада Тошкент вилояти маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини тартибга солиш "анклав" ҳудудларни тугатиш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимликлари органлари томонидан ҳудуд бошқарувини янада соддалаштиришга, қолаверса, маъмурий-ҳудудий бирликларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилишига олиб келади.

Шунингдек, Тошкент вилояти шаҳарларини 2021 — 2030 йилларда ривожлантириш учун зарур бўлган ҳудудларни белгилаш, ушбу даврда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, янги турар-жой массивларини барпо этиш орқали шаҳарларнинг ўсиб бораётган аҳолиси эҳтиёжларини қаноатлантиришга хизмат қилади.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг халқ депутатлари Қарши тумани Кенгашининг 2020 йил 16 апрелдаги "Туманда деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан ер участкаларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, фермерларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги 34/06-06-сонли қарорини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Аниқланишича, Қарши тумани ҳокимининг 2019 йил 13 февралдаги Х-1749/02-сонли қарорига асосан фермер хўжалигини ташкил этиш учун фуқаро Д. Элмуродовга 10,1 гектар ер майдони 49 йилга ижарага ажратиб берилган. Бироқ халқ депутатлари Қарши тумани Кенгашининг 2020 йил 16 апрелдаги 34/06-06-сонли қарори амалдаги бир қатор қонунчилик ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган.

Жумладан, халқ депутатлари Қарши тумани Кенгашининг 2020 йил 16 апрелдаги 34/06-06-сонли қарори билан Элмуродов Дилшод ("Боғи обод агро" фермер хўжалиги) ва яна 16 нафар деҳқон ва фермер хўжаликлари билан тузилган ер ижара шартномаси ноқонуний равишда бекор қилинган.

Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг 382-моддасига мувофиқ шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Қолаверса, Ер кодексининг 24-моддаси ҳамда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасига кўра ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

Бундан ташқари, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида маъмурий орган манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолат юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини бериши шартлиги белгиланган бўлса-да, қарор қабул қилишда деҳқон ва фермер хўжалиги раҳбарларининг иштироки таъминланмаган ва унга ҳолат бўйича ўз фикрларини билдириш имконияти берилмаган.

Мазкур Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ маъмурий тартиб-таомиллар принципларига номувофиқлик маъмурий ҳужжатларнинг ва маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқилишига олиб келади.

Шу жиҳатдан халқ депутатлари Қарши тумани Кенгашининг мазкур қарорини бекор қилиш тўғрисида Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасини ривожлантириш учун кўрилаётган чоралар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан ҳудудларда қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигига оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати муҳокама қилинди.

Бугунги кунда, соғлиқни сақлаш тизимидаги қон қуйиш хизмати Республика қон қуйиш маркази, Тошкент шаҳар "Қон препаратлари" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси қон қуйиш станцияси ва 12 та вилоят қон қуйиш станцияси, 2 та республика тасарруфидаги қон қуйиш станцияси муассаса ҳамда 196 та қон қуйиш бўлимидан иборат.

Республика қон қуйиш маркази томонидан қон препаратлари ишлаб чиқариш бўлими учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан беш юз миллиард сўмликдан ортиқ зарур жиҳозлар сотиб олиниб, ўрнатилган.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган пандемия шароитида мамлакатимизда қон ишлаб чиқиш, қон захирасини шакллантириш амалиётини талаб даражасида йўлга қўйиш энг муҳим вазифалардан эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Мажлисда мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш мақсадида қон ва унинг таркибий қисмларини ривожлантириш бўйича концепция ишлаб чиқиш, қон қуйиш муассасалари моддий-техник ҳолатини яхшилаш, соҳага ахборот технологияларини жорий этиш, донорлар ва қон захираси ҳақидаги маълумотлар алмашинуви учун рақамлаштиришни йўлга қўйиш, республика ҳудудларида мобиль бригадалар томонидан қон захирасини оширишга устувор аҳамият қаратиш, қон қуйиш муассасаларини кўчма донорлик комплекслари билан таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, қон қуйиш марказларида қон компонентларини тайёрловчи асбоб-ускуналарни даврий равишда кўрикдан ўтказиб, узвий таъмирловчи мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш, кўнгилли ва беғараз донорликни тарғибот қилиш бўйича фаоллар (волонтёрлар) ҳаракатини ривожлантириш, қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигидан хавфсиз ва самарали фойдаланиш мақсадида замонавий илғор технологияларни жорий этиш, бунда донор қонини гемотрансмиссив инфекцияларга (ОИВ, гепатит В, С) замонавий усулларда *(ПЗР аппарати орқали)* текширишни йўлга қўйиш масалаларига урғу берилди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг оқова сув тозалаш иншоотларида вужудга келаётган муаммо ва камчиликларнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Оқова сув тозалаш иншоотларининг ишлаши жойларда ўрганилиб, мамлакатимизнинг 5,6 миллион (17 фоиз) аҳолиси оқова сув хизмати билан таъминланганлиги, шунингдек, бугунги кунда ҳудудлардаги жами 58 та йирик оқова сув тозалаш иншоотининг 49 таси (84 фоиз), 8,6 минг км. оқова сув тармоқларининг 1,9 минг км. (22 фоиз) қисми таъмирталаб ҳолатда эканлиги таъкидланди.

Ушбу иншоотлар уч босқичда: механик, биологик ва кимёвий тозалаш функциясини бажаришга ихтисослаштирилган бўлиб, аксарият иншоотларда фақат механик тозалаш ишлари бажарилмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрининг Салар, Бўзсув, Бектемир ҳамда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри оқова сув тозалаш иншоотлари бугунги кунда таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани аниқланган.

Шу билан бирга, маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотлари талабга жавоб бермасдан канализация тармоқларига оқоваларнинг меъёр даражасида тозаланмасдан ташлаб юборилаётганлиги маълум бўлган.

Республикамизнинг барча вилоятида оқова сув тозалаш иншоотлари таъмирталаб, малакали кадрлар етишмаслиги ва мавжуд жиҳозларнинг эскирганлиги сабабли тўлиқ фойдаланилмасдан, оқова сувлар зарарсизлантирилмасдан иншоотга яқин бўлган дарёлар ва сойларга оқизиб юборилмоқда.

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларда назарда тутилган инфратузилмани яратиш, саноатлашув ва инновацияларга кўмаклашиш мақсадига эришиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мазкур йўналишда муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини бозор механизмлари асосида бошқаришни янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги 6096-сонли Фармони қабул қилиниб, унга кўра бугунги кунга қадар 541 та давлат улуши мавжуд корхонанинг 247 таси 2,3 триллион сўм қийматда савдога чиқарилиб, 96 таси 411,6 миллиард сўмга сотилган.

Давлат геология қўмитаси тасарруфидаги 6 та йирик давлат корхонаси акциядорлик жамиятлари сифатида қайта ташкил этилиб, уларнинг кузатув кенгашларига 6 нафар чет эллик малакали эксперт мустақил аъзо сифатида жалб этилган.

Геологик изланишлар йўналишида 400 миллион долларлик кредит шартномалари расмийлаштирилиб, халқаро банклар билан 900 миллион долларлик синдикатланган кредит ажратиш тўғрисида битимлар тузилган.

Бўш турган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларини (объектлар) ишлаб чиқаришга жалб қилиш юзасидан ўтказилган хатловлар натижасида 27 675 та объект аниқланиб, 1 215 та объект бўш турганлар тоифасидан чиқарилиб, 1 146 та объектдан келгусида самарали фойдаланиш белгиланиб, 744 та янги объектдан самарали фойдаланиш чоралари кўрилган.

Ёқилғи-энергетика ва тоғ-кон металлургия саноатлари корхоналарида ресурс ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш даражасини ошириш, технологик йўқотишларни камайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги 4779-сонли қарори билан ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланиб, чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги 2692-сонли қарори билан 2017 — 2021 йилларда саноат тармоғи корхоналари учун ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришнинг мақсадли параметрлари тасдиқланган.

Истеъмолчиларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида тизимли ишлар йўлга қўйилиб, ўтган давр ичида республика ҳудудида 25 минг км. электр узатиш тармоқлари ҳамда 8 минг тадан ортиқ трансформатор пунктлари янгиланган, реконструкция килингани натижасида 1,7 миллиондан ортиқ аҳоли хонадонларида электр таъминоти яхшиланган.

Иқтисодиёт тармоқларнинг технологик салоҳиятини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар сонини ошириш, инновацион фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Фанлар академиясининг тегишли йўналишдаги илмий ташкилотлари илмий ишланмаларини тижоратлаштириш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган.

Саноатда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва хом ашё соҳаларида қайта ишлашни кўпайтириш, инновациялар ва ишланмаларни жалб қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чоралар натижасида 2010 — 2020 йилларда саноатдаги ялпи қўшилган қийматнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 105,5 фоизни, иқтисодиёт тармоқлари бўйича 106,3 фоизни ташкил этган.

Саноатни рақамлаштириш, модернизация ва диверсификация қилишни жадаллаштириш, хусусий секторни ривожлантириш учун шароитлар яратиш, саноатда бозор механизмларини кенг жорий этиш, илмий ютуқлардан самарали фойдаланиш мақсадида 2030 йилгача саноатни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва иқтисодиётни рақамлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун соҳада йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши таъминланган.

Оптик толали алоқа линияларининг узунлиги 81 минг км.ни ташкил этиб жорий йил якунига қадар 118,6 минг км.га етказиш режалаштирилган.

Бугунги кунга қадар 1,7 миллионта кенг полосали интернет тармоғига уланиш портлари ўрнатилиб уларнинг умумий сонини 2021 йил охирига қадар 3,9 миллионтага етказилиши режалаштирилган.

Ижтимоий соҳа объектларини юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш доирасида 9 347 та халқ таълими, 5 625 та мактабгача таълим муассасаси ва 3 401 та соғлиқни сақлаш объектининг юқори тезликдаги интернет тармоғига уланиш имконияти яратилган.

Бундан ташқари, оператор ва провайдерларга интернет хизматлари учун мавжуд техник қувватларни кескин ошириш ҳисобига 2019 йилнинг шу давридагига нисбатан алоқа каналлари ижараси тарифлари 2 баробар, 2020 йил давомида интернет хизмати тарифлари 29 фоиз арзонлаштирилди.

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги "Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ–6240-сонли Фармонини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартиш киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати.**

# МАМЛАКАТИМИЗ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИГАН МАСАЛАЛАР — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унда мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинмоқда. Ялпи мажлиснинг биринчи кунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан сенаторлар ўз фикрларини баён этди.*

**Муносабат**

**Рисқул СИДДИҚОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари:**



— Ялпи мажлисда халқ депутатлари Қарши тумани Кенгашининг 2020 йил 16 апрелдаги “Туманда деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан ер участкаларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, фермерларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги қарорини ўрганиш натижалари хусусидаги масала сенаторларнинг қизғин баҳс-мунозарасига сабаб бўлди. Негаки, бу масаланинг қанчалик долзарблигини унинг номи ҳам айтиб турибди.

Таъкидлаш керак, ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони хати асосида қўмитамиз томонидан ўрганиб чиқилган эди. Шу жараёнда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Масалан, Қарши тумани ҳокимининг 2019 йил 13 февралдаги қарорига асосан, фермер хўжалигини ташкил этиш учун фуқаро Дилшод Элмуродовга 10,1 гектар ер майдони 49 йилга ижарага ажратиб берилгани ҳолда, халқ депутатлари Қарши тумани Кенгашининг 2020 йил 16 апрелдаги қарори билан Д. Элмуродов ҳамда яна 16 та деҳқон ва фермер хўжаликлари билан тузилган ер ижара шартномаси ноқонуний равишда бекор қилинади.

Бу қарор соҳага оид қонунларга хилоф бўлгани боис Адлия вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотда халқ депутатлари Қарши тумани Кенгашининг 2020 йил 16 апрелдаги қарорини қабул қилишда бир қатор қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилганлиги ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли уни бекор қилиш мақсадга мувофиқлиги маълум қилинган.

Муҳокамаларда сенаторлар томонидан Қарши тумани Кенгашининг ушбу қарори қонунчиликка зид, деб топилди ва у бекор қилинди. Бир сўз билан айтганда, адолат қарор топди.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:**



— Ялпи мажлисда Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка, Зангиота, Юқори Чирчиқ, Қибрай, Паркент, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл туманлари ҳамда Олмалиқ, Чирчиқ, Ангрен, Янгийўл ва Бекобод шаҳарлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Тошкент вилоятининг қатор туман ҳамда шаҳарлари, масалан, Ангрен ва Бекобод шаҳарлари ҳамда Қибрай ва Пискент туманлари бошқа туман ҳамда шаҳарларда жойлашган “анклав” ҳудудларга эга бўлиб, бу ҳолат муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, бу жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарали ташкил этилиши, аҳолининг ижтимоий таъминоти ҳамда давлат органлари билан ўзаро муносабатларни амалга ошириши, вояга етмаганларнинг таълим олиши билан боғлиқ жараёнларни назорат қилиш ва уларни туман (шаҳар) даражасидаги оммавий тадбирларга кенг жалб этишда муайян муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Бекобод туманидаги Истиқбол маҳалласида истиқомат қилувчи аҳоли фарзандлари Бекобод шаҳар Янги ҳаёт маҳалла ҳудудида жойлашган мактабда таълим олаётган бўлса, даволаниш учун Бекобод шаҳрида жойлашган марказий шифохонага қатнайди. Бундай ҳолат Ангрен шаҳридаги “Красногорск” қўрғонида ҳам учрайди. Бу ҳудуд аҳолисига электр таъминоти, ичимлик суви, газ таъминоти ва банк хизматлари Паркент туманида кўрсатилади. Одамлар даволаниш учун ҳам Паркентга боришга мажбур бўлмоқда.

Табиийки, бу, кўрсатиб ўтилган ҳудудлар аҳолиси учун қийинчиликлар келтириб чиқармоқда.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида”ги Қонунга асосан Тошкент вилоятининг юқорида қайд этилган туман ва шаҳарлари чегараларини ўзгартириш таклифи илгари сурилди. Ўзгартирилаётган туман ҳамда шаҳарлар чегараларининг жами ер майдони 17 359,1 гектар бўлиб, шундан 10 084,8 гектари қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган жойлар чегаралари ўзгартирилиши ҳисобига улардаги “анклав” ҳудудлар тугатилади, маҳаллий давлат ҳокимликлари органлари томонидан ҳудуд бошқарувини янада соддалаштириш, қолаверса, маъмурий-ҳудудий бирликларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига замин яратилади.

Шундан келиб чиқиб, сенаторлар бу масалани қўллаб-қувватлади.

**Одилжон ИМИНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:**



— Сенатнинг ўн олтинчи ялпи мажлисида қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасини ривожлантириш учун кўрилаётган чоралар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам чуқур таҳлил қилинди. Ва шу пайтгача ушбу масала, яъни ҳудудларда қон ҳамда унинг таркибий қисмлари донорлигига оид қонун ҳужжатлари ижро этилиши ҳолати қўмитамиз томонидан ўрганиб чиқилганлигини таъкидлаш зарур.

Бугун соғлиқни сақлаш тизимидаги қон қуйиш хизмати Республика қон қуйиш маркази, Тошкент шаҳар “Қон препаратлари” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоятдаги қон қуйиш станциялари, республика тасарруфидаги 2 та қон қуйиш станцияси ҳамда 196 та қон қуйиш бўлими (қон банклари)дан таркиб топган бўлиб, улар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Республика қон қуйиш маркази томонидан қон препаратлари ишлаб чиқариш бўлими учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан беш юз миллиард сўмликдан ортиқ зарур жиҳозлар сотиб олиниб, ўрнатилган.

Тизимда олиб борилаётган шу ва бошқа қатор саъй-ҳаракатларга қарамасдан соҳада зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган пандемия шароитида юртимизда қон ишлаб чиқиш, қон захирасини шакллантириш амалиётини талаб даражасида йўлга қўйиш муҳим эканлиги барчага аён, десак хато бўлмайди.

Шу боис ҳам ялпи мажлисда мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги борасида давлат сиёсатини такомиллаштириш мақсадида қон ҳамда унинг таркибий қисмларини ривожлантириш бўйича концепция ишлаб чиқиш, қон қуйиш муассасалари моддий-техника базасини яхшилаш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий этиш, донорлар ва қон захираси ҳақидаги маълумотлар алмашинуви учун рақамлаштиришни йўлга қўйиш, республика ҳудудларида мобиль бригадалар томонидан қон захирасини оширишга устувор аҳамият қаратиш, қон қуйиш муассасаларини кўчма донорлик комплекслари билан таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Қолаверса, қон қуйиш марказларида қон компонентларини тайёрловчи асбоб-ускуналарни даврий равишда кўрикдан ўтказиб, узвий таъмирловчи мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш, кўнгилли ва беғараз донорликни тарғибот қилиш бўйича фаоллар (волонтёрлар) ҳаракатини ривожлантириш, қон ҳамда унинг таркибий қисмлари донорлигидан хавфсиз ва самарали фойдаланиш мақсадида илғор технологияларни жорий этиш, бунда донор қонини гемотрансмиссив инфекцияларга (ОИВ, гепатит В, С) замонавий усулларда *(ПЗР аппарати орқали)* текширишни йўлга қўйиш ҳам долзарб ҳисобланади.

Шулардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориладиган бўлди.

**«Халқ сўзи».**

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

## НАРКОЛОГИК КАСАЛЛИККА ЧАЛИНГАН ШАХСГА НИСБАТАН МАЖБУРИЙ ДАВОЛАШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

*Мамлакатимизда наркологик касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактика ишларини кучайтириш, наркологик ёрдам соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.*

Таъкидлаш жоиз, юртимиз БМТнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилган. Ташкилотнинг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 27 миллиондан ортиқ одамлар гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Уларнинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Энг ачинарлиси, гиёҳвандлик оғир ҳамда ўта оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бир қаторда, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси маълумотларига кўра, Марказий Осиё минтақасида ҳозирги вақтгача 60 дан ортиқ турли синтетик наркотиклар аниқланган. Уларнинг нисбатан арзонлиги, аниқлаш ва қиёслашда мураккаблиги, тур ҳамда шаклларининг кўплиги, аҳолининг, аввало, ёшларнинг тинч-тотув ҳаётига ва соғлиғига жиддий рахна солмоқда.

Айни масалалар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан “Наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш” мавзуида ўтказилган давра суҳбатида муҳокама этилди.

Унда депутатлар, Олий суд, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари вакиллари, нарколог шифокорлар ҳамда экспертлар қатнашди.

Муҳокамани ташкил қилишдан мақсад 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 25-банди ижросини таъминлаш, наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволаш масаласини тартибга солиш, наркология муассасасига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги нормаларни Фуқаролик процессуал кодексига киритиш таклифларини кўриб чиқишдир.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, “Наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси парламент қуйи палатасининг ўтган ялпи мажлисида депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан мажбурий даволаш тартиби Жиноят процессуал кодексида назарда тутилган. Бироқ ушбу тартиб Фуқаролик процессуал кодексида ўз аксини топмаганлиги сабабли амалиётда жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган шахсларни ғайриихтиёрий тартибда наркология муассасасига ётқизишда кўплаб муаммолар учрамоқда.

Шундан келиб чиқиб, Фуқаролик процессуал кодекси наркологик касалликка чалинган шахсни ғайриихтиёрий тартибда наркология муассасасига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиш муддатини узайтириш ҳақидаги норма билан тўлдириляпти.

Тадбир иштирокчилари томонидан сўнгги тўрт йилда кучли таъсир қилувчи препаратлар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси ҳажми ортиб бораётгани ҳам таъкидлаб ўтилди. Жумладан, 2016 йилда 58 мингта наркотикнинг ноқонуний савдосига чек қўйилган бўлса, 2017 йилда 62,5 минг, 2018 йилда 128 минг, 2019 йилда 365 мингта таблетка ва бошқа гиёҳванд воситалар олинган. 2020 йилда эса 200 мингдан ортиқ трамадол ёки тропикамид таблеткалари олиб қўйилган. Ачинарлиси, бугунги кунда ёшлар ўртасида, айниқса, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддаларни истеъмол қилиш ҳолати кўпаймоқда. Улар таъсирида эса ёшлар томонидан оғир турдаги жиноятлар содир этиляпти.

Давра суҳбатида иштирокчилар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳаза, таклифларини билдирар экан, инсоният ҳаётига таҳдид соладиган ёвуз хавфга қарши кураш самарадорлигини давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида ошириш мумкин, деган хулосани билдирди.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

**«Қабул — 2021»**

## АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН БУ ЙИЛ КАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР БОР?

*Мамлакатнинг келажагини белгиловчи куч, албатта, юқори билим ва савияга эга ёшлардир. Уларнинг сифатли таълим олиши ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.*

*Яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган “2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги қарор айни шу жиҳатдан ғоят аҳамиятлидир.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази мутасаддилари иштирокида ўтказилган анжуманда мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, олий таълим муассасаларида 2021/2022 ўқув йилига тайёргарлик жараёни, кириш имтиҳонларининг ташкил этилиши ва қабул параметрлари билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз борди.*

**Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,**
**олий ва ўрта махсус таълим вазири:**



— Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш — энг муҳим ва асосий вазифаларимиздан бири. 2016 йилда 50 — 60 минг атрофида абитуриентлар олий таълимга ҳужжат топширган бўлса, бугунги кунга келиб 181 минг абитуриент талабалик бахтига сазовор бўлиш арафасида. Бу ўтган йилдагига нисбатан 13 фоиз кўп деганидир. Энг муҳим жиҳати, йилдан-йилга давлатимиз томонидан грант квоталари ошириб борилмоқда. Яъни давлат гранти ўтган йилдагига нисбатан бу йил 25 фоиз кўпайди. Бундан ташқари, хотин-қизлар учун қўшимча давлат гранти 2 мингтага ортгани ҳам эълон қилинди.

Қарорда белгиланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан олий таълим тизимида рақобат муҳити бўлиши учун яна бир янгилик киритилди, яъни хорижий таълим муассасаларининг филиаллари ҳамда Ўзбекистонда жойлашган нодавлат олий таълим муассасаларига ҳам давлат буюртмаси асосида грантлар ажратилди. Бу квота жорий йил 500 тани ташкил қилади ва йиллар давомида ошириб борилади.

Яна энг муҳим янгиликлардан бири — эндиликда агар абитуриент ўзи танлаган биринчи таълим даргоҳида контракт, учинчи ё тўртинчи турган олий ўқув юртида грантга тушган бўлса, биринчисида эмас, ўша грантда турган ўқув масканида ўқиши мумкин. Фанлар мажмуаси ва кетма-кетлиги бўйича 5 тагача бакалавриат таълим йўналишини танлаш аввал ҳам бор эди, бу йил ўқувчига шу йўл орқали янада устуворлик берилди.

Давлат комиссиясининг ҳуқуқлари белгилаб берилиши ҳам асосий янгиликлардан бири бўлди. Бу ўзгаришда қабул жараёнида параметрларни ўзгартиришни, туман кесимида мақсадли қабул параметрлари, масофавий таълим шаклини қабул қилишдаги параметрлар, табақалаштирилган тўлов контрактининг минимал миқдорини ва профессионал таълим бўйича параметрларни белгилаш кўрсатилган.

Мухтасар айтганда, бу йил олий таълим даргоҳига ҳужжат топширувчилар учун кенг имкониятлар йили бўлди.

**Мажид КАРИМОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори:**



— Бу йилги қабул жараёнида худди ўтган йилдаги сингари 22 июндан 22 июлгача электрон тарзда рўйхатдан ўтилади. Аммо ўтган йилдагига нисбатан бу йил имкониятлар янада кенгайгани эътиборлидир.

Таъкидлаш жоиз, ҳозирда Давлат тест маркази томонидан 40 мингта имтиёз турли вазирлик ва ташкилотлардан шакллантириб бўлинди. Абитуриентларимиз вазирлик ҳамда ташкилотларга бориб, имтиёз ҳужжатини тасдиқлатиб ўтирмайди, қабулда битирувчининг маълумотлари киритилганда унинг имтиёзлари автоматик тарзда чиқиб келади.

Шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, олий таълим муассасасига имтиҳонларсиз давлат гранти асосида ўқишга кириш бўйича имтиёзга эга шахслар умумий қабул параметрларидан ташқари, қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

Алоҳида истеъдоди бор абитуриентларимиз учун ҳам бир қатор янгиликлар бор. Масалан, шундай абитуриентлар олий ўқув даргоҳига ҳужжат топширишса, мажбурий тарзда учта фандан тест ечиши лозим эди, бу йил эса бу тартиб ўзгарди, абитуриент учта фандан ечган тест натижаси умумий ҳисобнинг 33 фоизини ташкил қилади. Яъни бундай абитуриентлар ижодий имтиҳонлардан аъло даражада ўтса, мажбурий тест катта роль ўйнамайди.

Умуман олганда, бу йил абитуриентларимиз учун қатор енгилликлар яратилгани нафақат уларнинг, балки ҳаммамизнинг фойдамизга ишлаши, шубҳасиз.



**Шерзод ШЕРМАТОВ,**
**халқ таълими вазири:**

— Бугунги кунда абитуриентлар учун олий таълим муассасалари, улардаги қабул квотаси ҳақида барча маълумот билан танишиш имконияти яратилган.

Бу йил мактаб битирувчилари учун аттестат олиш жараёни янада соддалаштирилди. Битирувчиларнинг аттестатлари ДТМ базасига юкланган, улар онлайн ҳужжат топшириш жараёнида тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Ўтган йилларда ҳали паспорт олмаган битирувчилар билан муаммолар юзага келган бўлса, бу йил ID карта тизими йўлга қўйилди. Тахминимча, айни кунларда карта олмаган 2 мингта ўқувчи қолди, агар шуларни ҳам бу билан таъминласак, ҳужжат топшириш жараёнидаги анча муаммоларни ҳал қилган бўламиз.

Алоҳида таъкидлаш керак, халқ таълими тизимида олий ўқув юртига кириш кўрсаткичи паст бўлган мактабларнинг сони учдан бир фоизга қисқарди. Мактабларда абитуриент штаблари ташкил этилган бўлиб, улар ҳар бир битирувчига олий таълим муассасасини танлаш ва қабул имтиҳонларига тайёргарлик кўриш жараёнларига кўмаклашади. Шунингдек, мактабларда интернетдан муаммоси бўлган битирувчилар учун ҳужжатларини топшириш имконияти ҳам яратилган.

Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси, табиийки, мактаб битирувчиларига енгиллик яратиш мақсадида олиб борилмоқда.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 24 989 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.20 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6